



## ANALYSIS OF MANUSCRIPT COPIES AND MODERN EDITIONS OF THE WORK “AL-KIFOYA FI SHARHI-L-HIDOYA”

*Ilhomjon Gofurov*

Base doctoral student

International Islamic Academy of Uzbekistan  
Uzbekistan, Tashkent

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** source, faqih, mant, copy, suls letter, khashiya, seal, vakf, page.

**Received:** 20.12.24

**Accepted:** 22.12.24

**Published:** 24.12.24

**Abstract:** This article will talk about manuscript copies and modern editions of the work "commentary of al suffi Fi L Hidoya", which belongs to the pen of the 14th-century Hanafi scholar Jalaliddin Khwarazmi. It contains six copies of several libraries of the world, as well as two copies of which are kept in the main fund of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. The article also covers contemporary editions of the work. In particular, the work "Al suffi Fi review L Hidoya" has been published three times until today, the last of which was published in 2019 in eight volumes in the printing house "doru 1 Kutubi 1 ilmiya", located in Beirut, Lebanon, and in this edition it was given detailed information about which manuscript copies are relied on, the order of the topics in it.

## “АЛ-КИФОЯ ФИ ШАРХИ-Л-ХИДОЯ” АСАРНИНГ ҚҮЛЁЗМА НУСХАЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ НАШРЛАРИ ТАҲЛИЛИ

*Илҳомжон Гофуроў*

таянч докторант

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Ўзбекистон, Тошкент

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Манба, фақиҳ, мант, нусха, сулс хати, хошия, муҳр, вақф, саҳифа.

**Аннотация:** Ушбу мақолада XIV асрда яшаб ўтган ҳанафий олим Жалолиддин Хоразмийнинг қаламига мансуб “ал-Кифоя фи шархи-л-Хидоя” асарининг қўлёзма нусхалари ва замонавий

нашрлари ҳақида сўз боради. Унда дунёнинг бир неча кутубхоналари сақланаётган олтига нусхаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти асосий фондида сақланаётган иккита нусхалари ўзаро қиёсий таҳтил этилган.

Шунингдек, мақолада асарнинг замонавий нашрлари ҳақида ҳам сўз юритилган. Жумладан, “ал-Кифоя фи шархи-л-Хидоя” асари бугунги кунимизгача уч марта нашр қилингани, уларнинг охиргиси 2019 йилда Ливаннинг Байрут шаҳрида жойлашган “Дору-л-кутуби-л-илмия” матбаасида саккиз жилди қилиб нашр этилгани ва мазкур нашрда қайси қўлёзма нусхаларга таянилгани, ундаги мавзулар тартиби ҳақида батофсил маълумотлар бериб ўтилган.

## АНАЛИЗ РУКОПИСНЫХ КОПИЙ И СОВРЕМЕННЫХ ИЗДАНИЙ РАБОТЫ “АЛ-КИФОЯ ФИ ШАРХИ-Л-ХИДОЯ”

*Илхомжон Гофуров*

*Докторант*

*Международной исламской академии Узбекистана  
Узбекистан, Ташкент*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** источник, факих, мант, копия, письмо сулса, хашия, печать, вакф, страница.

**Аннотация:** В этой статье речь пойдет о рукописных копиях и современных изданиях труда “ал-Кифоя фи шархи-л-Хидоя”, который принадлежит перу ханафитского ученого XIV века Джалалиддина Хорезми. Он содержит шесть экземпляров из нескольких библиотек мира, а также два экземпляра, которые хранятся в основном фонде Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан. В статье также рассматриваются современные издания этого произведения. В частности, труд “ал-Кифоя фи шархи-л-Хидоя” до сегодняшнего дня издавался трижды, последний из которых был опубликован в 2019 году в восьми томах в типографии “Дору-л-кутуби-л-илмия”, расположенной в Бейруте, Ливан, и в этом издании была дана подробная информация о на какие экземпляры рукописи можно положиться, в каком порядке в ней расположены темы.

## КИРИШ

Мовароуннаҳрлик[1] фақиҳ олимлар тарафидан ёзиб қолдирган илмий мерослар Ислом динининг ривожланишида бекиёс хисса қўшган. Жумладан, Жалолиддин Хоразмийнинг “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асари имом Марғинонийнинг “Ҳидоя” китобига ёзилган аввалги шарҳлардан бўлгани учун ҳам, кейинги уламолар “Ҳидоя” асарини тушуниш, уни шарҳлаш ва бундан бошқа мақсадларда “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя”дан жуда кўплаб ўринларда фойдаланганини кузатиш мумкин. Мазкур асар ёзилганидан бошлаб ҳозирги кунгача ҳанафий мазҳаб масалаларини тушунишда, айниқса, “Ҳидоя” китобида учрайдиган мушкил ибораларни англашда муҳим манба бўлиб келмоқда.

## АСОСИЙ ҚИСМ

“Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асарнинг бир неча нусхалари юртимиз ва хориждаги бир қанча кутубхоналарда сақланиб келинмоқда. Араб-ислом қўллўзмалар мероси мазкур асарнинг 20 дан ортиқ нусхалари мавжуд эканлигини айтиб ўтган. Унинг қўллўзма нусхалари турли даврлар ва минтақаларда ёзилгани боис уларнинг бир-бирига мувофиқ ёки фарқли жиҳатларини ўрганиш муҳимлиги жиҳатидан ҳам уларни манбашунослик таҳлил ва тавсифи муҳим аҳамият касб этади. Қўйида асарнинг саккизта нусхасининг манбашунослик таҳлили ёритиб ўтилади:

**Биринчиси нусха[2].** Ушбу қўллўзма ЎзР ФА ШИ Асосий фондида 5246 рақам билан сақланмоқда. Мазкур қўллўзма 771/1370 йили Нур ибн Малик ал-Ислом томонидан кўчирилгани айтилган бўлса-да, қаерда кўчирилгани хақида маълумот берилмаган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, айни мана шу қўллўзма, Жалолиддин Хоразмий (ваф. 767/1366) яшаган даврга яқинлигини ҳисобга олганда, аввалги ёзилган нусхалардан бири бўлиш эҳтимоли юқори. Чунки мазкур нусха Жалолиддин Хоразмийнинг вафотидан тўрт йил ўтганидан сўнг кўчирилган.

Асар 362 варакдан иборат бўлиб, аввалги уч сахифасидан мундарижа ўрин олган. Сўнгра муаллиф Ҳидоя асарида берилган муқаддимани уч сахифада изоҳлаб ўтган. Ана ундан сўнг китобнинг асосий қисми, яъни таҳорат китоби билан бошланган. Бу қўллўзма таҳорат китобидан бошланиб, вақф китоби билан ниҳояланган. Асар жуда яхши ҳолатда сақланган, дейиш унчалик ҳам ўзини оқламайди. Чунки, асар сахифаларининг деярли ҳар бир бетида ҳошия қисми ўз рангини йўқотган.

Асадаги сахифалар ўлчами 16x28 см.ни ташкил этиб, ҳар бир сахифа 31 қаторни ўз ичига олади. Матн сулс хатида ёзилган. Шарҳлашни бошлашдаги ﴿ қовлухуу﴾[3] (унинг сўзи) калимаси қизил рангда берилган. Замонавий нашрларнинг акси ўлароқ, бир китобдан бошқа китобга ўтишда алоҳида сахифадан бошланмаган. Балки унинг ўрнига янги китоб бошлаётганини билдириш ва бир-биридан ажралиб туришини таъминлаш мақсадида, ўша

мавзу қалин ёзув услубида берилган. Ҳар бир китобнинг ичида келадиган боб ва фасллар ҳам худди шу қалин ёзув шаклида битилган. Айрим саҳифалар хошиясида асарда келган маъноларни янада изохлаш мақсадида, турлича масалалар келтирилганини кўриш мумкин. Бундан ташқари баъзи бир сўзларнинг тепасига иккита қизил чизик билан белти кўйилганини кўриш мумикн.

Асар муқоваси қалин картондан ишланган бўлиб, у қора ва тўқ сарик рангларга бўялган, ҳамда бир неча тамғалар билан безак берилган.

**Асар боши:**

الحمد لله الذي أسس على قواعد الكتاب والسنة مباني الدين والإسلام، وشيد بالبراهين الواضحة والحجج القاطعة أركان الشرع والأحكام، وبعث إلى عباده رسلاً وأنبياء عليهم السلام للهداية والإرشاد، وأخلفهم علماء في إظهار شعائر الملة وإطفاء نائره الزيغ والإلحاد، يستقر غون جهودهم في إعلاء كلمة الله تعالى ورفع منار الدين ويستنفذون وسعهم في إحياء سنة سيد الأولين والآخرين والأنباء والمرسلين، (محمد صلى الله عليه وسلم) على عترته وخلفائه الراشدين، وصحابته ومن تابعهم إلى يوم الدين عليهم أجمعين تسليماً كثيراً

Таржимаси: Дин ва Ислом **асосларини** Китоб ва суннат қоидалари асосида барпо этган, шариат арконлари ва ҳукмларини очик-ойдин ва қатъий далиллар билан кўтарган, инсонларни тўғри йўлга бошлиши учун расул ва набийларни юборган, диннинг шиорларини изҳор этишда ва тарқоқлик ҳамда даҳрийлик оловини ўчиришда расуллардан уламоларни ўринбосар қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Улар бор кучларини **Аллоҳ таолонинг** сўзини олий қилишга, дин маёқларини юқори кўтаришга баҳшида этган ва **аввалги-охиргилар**, набийлар ва расуллар саййиди Мухаммад (с.а.в.)нинг суннатини тирилтиришга бор кучларини сарф этганлар. У зотнинг аҳли байтига, хулофои рошидинларга, сахобларга ва ва қиёмат қунигача уларга **эргашганларнинг барчаларига** Аллоҳ таолониннг саловоту саломлари бўлсин...”[4].

**Асар охири:**

تم انتساح الدفتر للأول من كتاب لطيف بيان متن ... المسمى بالكافية في شرح الهدایة وهو من مصنفات الشیخ والسيد علم الهدی علامہ الوری مجمع الخصال منبع النوال معدن العلم والفتوى موضع الحلم والتقوی ... مطلب الرجال محظ الرجال مباهی للأمام واللبابی ... اساس المعانی مولانا جلال الحق والدین سقی اللہ ثراه وجعل الجنة مثواه أمین رب العالمین على يد العبد الضعیف النحیف الراجی رحمة ربہ اللطیف نور بن الاسلام رزقہ اللہ علما نافعا ... من سنة احدی و سبعین و سبع مائة اللهم اغفر من قرأ و لمن نظر آمین

**Таржимаси:**

Шайх, саййид, даҳо, аллома, барча хислатлар жамланган инъом манбайи, илм ва фатво, оқил ва тақво макони, инсонлар талаб қиласиган (зот) ... мавлойимиз жалолул ҳаққ вад-дин (жалолиддин Хоразмий)нинг тасниф қилган асарларидан бири бўлмиш “Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя” матнидан нусха кўчириш иши, латиф Роббисининг раҳматидан умидвор заиф банда Нур ибн ал-Ислом тарафидан (Аллоҳ уни манфаатли илм билан

ризқлантирсин) 771 йилда тамомига етказилди. Эй Аллоҳим, уни ўқиган ва унга назар солган инсонларни мағфират қил. Омин.

**Иккинчи нусха[5].** Ушбу қўлёзма ЎзР ФА ШИ Асосий фондида 9408 рақам билан сақланмоқда. Кўлёзманинг қачон ва ким тарафидан кўчирилгани маълум эмас.

Асарнинг бошида у хақида қўйидаги маънода маълумотлар ёзилган: Бу араб тилида ёзилган Кифоя номли шариат қонуни устида ёзилган китобдир. Ким томонидан ва қаерда ёзилгани номаълум бўлиб, 1875 йилда Худоёрхон томонидан қандайдир диний муассасага вакф қилингани асарнинг 88 бетига босилган муҳрдан мұълум бўлиб туриди. Бундан ташқари яна бешта муҳр босилган бўлиб, унда “Хўжа бузрук хўжа қози”, деган хат бор. Китоб муқоваси ички ўнг тараф юқори қисмига “Ушбу китоб мулла Азизхон Махзунники”, деб ёзиб қўйилган[6].

ЎзР ФА ШИдаги мазкур нусха ўрганиб кўрилганда, Худоёрхон тарафидан вакф қилинганини билдирувчи муҳр бир неча бетларга босилганлиги аниқланди.

Асар жами 726 саҳифадан иборат бўлиб, савдо китобидан бошланган ва хунаса китоби билаган яқунланган. Унда мундарижа берилмаган. Саҳифалар ўлчами 18x28 см.ни ташкил этиб, ҳар бир саҳифа 31 қаторни ўз ичига олади.

Бундан олдинги нусха каби шарҳлашни бошлашдаги **لۇغۇش** [қовлухуу] (унинг сўзи) калимаси қизил рангда берилган ҳамда қолган белгилар ҳам юқоридаги нусханинг белгиси билан бир хил. Бироқ, икки нусхадаги муҳрлар бир-биридан фарқ қиласди. Бундан ташқари, мана шу нусха биринчи нусхага қараганда яхши сақланганини кўриш мумкин.

**Учинчи нусха.** Туркияning Истанбул шаҳрида жойлашган “Файзуллоҳ Афанди” кутубхонасида “Ал-Кифоя фи шарҳи-л-ҳидоя” асарининг 647 саҳифадан иборат икки жилди нусхаси сақланади. Биринчи жузи 874 рақам билан, иккинчи жузи эса 875 рақам остида қайд этилган.

Биринчи жузи 328 саҳифадан иборат бўлиб, саҳифалар ўлчами 17,5x27,5 см.ни ташкил этади. Хат тури насх ҳатида бўлиб, очик-ойдин равshan қилиб ёзилган. Рангида келадиган бўлсак, сарлавҳалар, яъни китоб, боб ва фасл сўзлари ҳамда шарҳлашни бошлашдаги **لۇغۇش** [қовлухуу] (унинг сўзи) калималари қизил рангда, қолган қисми қора рангда берилган. Бир саҳифадаги сатрлар сони 31 ададни, бир қатордаги сўзлари сони эса ўртача 15 калимани ташкил қиласди.

Иккинчи жилди эса 312 саҳифадан ташкил топган. Вараклар ўлчами биринчи жилди билан бир хил, яъни 17,5x27,5 см ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, ҳар икки жилдинг ўлчами ҳам нусха кўчиришда фойдаланадиган одатий ўлчамдан катта ҳисобланади. Иккинчи жилдинг хат тури номаълум. Кўп сўзларда нуқталар қўйилмаслиги учрайди Ранги эса биринчи жуздан бошқачароқ ҳолда танланган. Яъни китобнинг бошидан

охиригача барча жумлалар қора рангда ёзилган. Фақат сарлавҳа ва шарҳлашни бошлашдаги **فُلْ [қовлухуу]** (унинг сўзи) жумлалари қалин ҳарфлар билан ёзилган. Бир варакдаги сатрлар сони 30 тани, сўзлар сони эса ўртacha 16 тани ташкил қиласди. Мазкур нусхани қофозга тушириш хижрий 799 йил 11 ражаб ойининг чоршанба куни пешин вақтида тугаллангани айтиб ўтилган. Нусха кўчирувчининг исми китобнинг аввалида Низомиддин Марғиноний деб келтирилган бўлса, нусханинг охирида Ҳисомиддин ибн Муҳаммад ибн Низомиддин Марғиноний деб айтилган.

Бу нусханинг ҳар икки жилди аввалида боблар мундарижаси ўрин олган. Ҳар икки жилднинг охирида Қўйидаги жумлалар учрайди: “Бу асар Шайхулислом шайх Файзуллоҳ Афандининг (Аллоҳ кишини ва ота-онасини мағфират қилисин) Кустантинийя (Константинополь)да хижрий 1113 йили ўзи қурган мадрасадан бошқа жойга олиб чиқмаслик шарти билан вақф қилингандир”.

Иккинчи жилдда қўйидаги гаплар ёзилган: “Менга Аллоҳ таолонниг ўзи кифоя қиласди. “Хидоя” китобининг шарҳларидан бири санацган бу “ал-Кифоя” асарини, Аллоҳнинг инояти ва лутфи ила хижрий 1016 йили Шаввол ойининг охирида, “Султон Сулаймонхон” ва “Мурод Султон” мадрасаси мударриси, Усмонийлар салтанати муфтиси Мустафо ибн Сайфуллоҳдан сотиб олдим”.

“Ал-Кифоя фи шархи-л-Хидоя” асарининг мазкур нусхаси бошқа нусхаларга қараганда анча мукаммал ҳисобланади. Чунки бу нусхада асар бошидан охиригача хат ёзуви тиник ва аниқ-аниқ қилиб ёзилган. Сўзларнинг тушиб қолиши бошқа нусхаларга қараганда камроқ. Турли рамзлар ва қисқартмалардан холи эканлиги боис ҳам, мана шу нусха муаллифнинг нусхасига яқинроқ ҳисобланади.

Мазкур нусханинг охиридаги сўзлар биринчи нусханинг сўзларидан фарқ қиласди. Мана шу турличаликнинг ўзи ҳам икки нусханинг котиблари бошқа-бошқа эканлигини билдиради.

Асар охири:

وَقَعَ الْفَرَاغُ بِحَمْدِ اللَّهِ مِنْ تَسْوِيْدِهِ وَقَتَ الظَّهَرُ مِنْ يَوْمِ الْثَّلَاثَاءِ الْحَادِيِّ عَشَرَ مِنْ شَهْرِ اللَّهِ الْاَصْمَرِ رَجَبِ الْمُنْتَظَمِ فِي سَنَةِ تِسْعَةِ وَتِسْعِينَ وَسَبْعِ مِائَةٍ عَلَى يَدِ الْعَبْدِ الْمُضْعِفِ النَّحِيفِ الرَّاجِيِّ مِنْ رَحْمَةِ رَبِّ الْلَّطِيفِ حَسَامِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ نَظَامِ الدِّينِ الْمَرْغَانِيِّ  
غَفَرَ اللَّهُ لَهُ وَلَوَالِدِيهِ وَلِجَمِيعِ...

Таржимаси:

Аллоҳга ҳамд бўлсин. Уни (ал-Кифоя фи шарҳил хидоя асарини) нусхасини кўчириш, етти юз тўқсон тўққизинчи йил, Аллоҳнинг ойларидан бири бўлган Ражаб (ойи)нинг ўн биринчи (сесанба) куни пешин вақтида, Латиф Раббисидан умидвор ожиз бандада, Ҳисом ибн Муҳаммад ибн Низомиддин Марғинонийнинг қўлида ниҳоясига етди. Аллоҳ уни, ота-онасини ва барча (мусулмонларни) мағфират қилисин[7].

**Тўртинчи нусха.** Туркияning Истанбул шаҳрида жойлашган “Сулаймония” кутубхонасида “Ал-Кифоя фи шарҳи-л-ҳидоя” асарининг икки жилди яна бир нусхаси 550 рақам остида сақланади. Икки жилднинг умумий саҳифлар сони 721 варақни ташкил этади.

Биринчи жузи 448 варақдан иборат бўлиб, саҳифалар ўлчами 16,5x25,5 см.ни ташкил этади. Бир саҳифадаги сатрлар сони 21 ададни, бир қатордаги сўзлари сони эса ўртача 11 тадан бошлаб 18 тагача этади. Сарлавҳадан бошқа жойлари қора рангда,  **قوله** [қовлухуу] (унинг сўзи) калималари қизил рангда.

Нусха кўчирувчиси Абдуллоҳ шайх Муҳаммад ибн Ҳож Али исмли шахс бўлиб, уни Муҳаммад ибн Ҳасан Исмоил исмли инсон учун кўчирганлиги таъкидланган. Бу нусха ҳижрий 837, меълодий 1433 йили, 29 Робиъулаввалнинг чошгоҳ вактида тугаллангани айтилган. Асар хошиясида енгил таълиқот ва тушуниришлар учрайди. Устки қисмига тилло суви юритилган Усмоний жилдлардан ясалган. Биринчи жилд таҳорат китобидан бошлаб вақф китоби тугагунича давом этади. Унинг устига: “Асар Исҳоқ ибн Аҳмаднинг мулки”, деб ёзилган.

Мазкур нусханинг иккинчи жилди 273 саҳифадан иборат. У икки хил, яъни эски 448 ва янги 551 рақам остида сақланади. Ундаги саҳифалар ўлчами 18,2x27,5 см.ни ташкил қиласи. Бир саҳифадаги қаторлар сони 28 тани, сўзлар сони эса 13 тадан бошлаб 21 тагача калималарни ўз ичига олади. Бундан кўриниб турибдики, мазкур нусханинг биринчи ва иккинчи жузи бир-биридан ҳажми анчагина фарқланади. Биринчи жузнинг саҳифалари кўпроқ бўлса, иккинчи жузнинг ўлчами каттароқ ҳисобланади.

Иккинчи жилднинг ранги биринчи жилд каби сарлавҳалардан бошқаси қора рангда,  **قوله** [қовлухуу] (унинг сўзи) калималари қизил рангда берилган. Бу жилднинг кўчирувчиси ҳам Абдуллоҳ шайх Муҳаммад ибн Ҳож Али бўлиб, уни Муҳаммад ибн Ҳасан Исмоил учун кўчирган.

Иккинчи жилднинг ёзилиш тархи ҳижрий 857, меълодий 1453 йилга тўғри келади.

Мазкур асар юқоридаги нусха билан бир хил ҳамду санолар билан бошланган. Бироқ китоб сўнгидан бундан олдинги нусхаларда мавжуд бўлмаган жумла бор. Унда шундай дейилган:

وَقْعُ الْفَرَاغِ مِنْ تَحْرِيرِهِ بَعْدَنَ اللَّهُ وَ حَسَنُ تَوْفِيقِهِ

Таржимаси:

Унинг таҳрири Аллоҳнинг ёрдами ва гўзал муваффақияти билан якунланди[8].

**Бешинчи нусха.** “Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асариниг яна бир нусхаси Туркияning Истанбул шаҳрида жойлашган “Отиф Афанди” кутубхонасида 550 рақам остида қайд қилинган. Бу нусха юқоридаги икки нусхадан фарқли ўлароқ битта жилдга

кўчирилган бўлиб, 519 варакдан ташкил топган. Саҳифалар ўлчами 16,5x26,5 см.ни ташкил этади. Бир саҳифада 29 қатор жойлашган, сўзлар сони 18-19 тадан иборат.

Асарнинг ранги сарлавҳалардан бошқаси қора рангда, قوله [қовлухуу] (унинг сўзи) калималари эса қизил рангда берилган. Бу нусхани Абдураҳим ибн Али Шоҳ Абдурашид Маҳдий исмли шахс кўчириган. Нусханинг ёзилиш тарихи ҳижрий 837, меълодий 1433 йилга тўғри келади.

Асар ҳақида қисқача маълумот: бу нусхада бошқа нусхаларга қараганда сўз ва жумлалар тушиб қолиши қўп учрайди. Хошиясида оз-оз таълиқот ва тушунтиришлар мавжуд. Китобнинг аввалида рақамли мундарижаси мавжуд. Муқоваси пишиқ қилиб ишланган.

Бу нусханинг бошланишини ҳам аввалгилари бир бир хил. Аммо тугашида нусха кўчирувчининг сўзлари билан яқунланиб, иккита муҳр босилганини кўриш мумкин.

**Асар охири:**

تم الفراغ من إتمام كتابة الدفتر الثاني في الكفاية في شرح الهدایة النعامة على بد أضعف عباد الله حرما و أقواهم جرما  
الفقير إلى الله الغني عبد الرحيم بن علي بن عبد الرشيد المهدي ... وفي زمرة الصالحين بعثه ... وغفر له ما تقدم وما تأخر من  
ذى في ليلة الخميس سنة عشر ليلة حلت من محرم الحرام الواقع في حج سبع وثلاثين وثمانمائة بالمدرسة الانصارية ... وهو الميسير  
للامال والموفق لاحسان خواتيم الأعمال والصلوة والسلام ... على خير أنبيائه ... محمد وعلى آله المحسنين واصحابه المحسنين  
الهداة الراشدين

**Таржимаси:**

“Ал-Хидоя” китобининг шархи “ал-Кифоя” асарини иккинчи марта ёзиш иши, Аллоҳнинг бандалари ичидаги ҳурмати энг заифи ва гуноҳкори, Ғаний Аллоҳга фақир бандада Абдурраҳим ибн Али ибн Абдуррашид ал-Маҳдийнинг қўлида, (Аллоҳ уни солих бандалари жамоасида тирилтиурсин... ва барча гуноҳларини мағфират қилсин) 837 (саккиз юз ўттиз еттинчи) йил ўнинчи муҳаррам ойининг пайшанба кунида “ал-Ансорийя” мадрасида тамомига етказилди... Аллоҳ умидларга етказувчи, чиройли амаллар хотимасига муваффақ қилгувчи Зотдир. Саловату саломла пайғамбарларнинг энг яхшиси Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи вассаллам)га, рушди ҳидоят соҳиблари аҳли байти ва саҳобалрига бўлсин[9].

**Олтинчи нусха.** Истанбулда жойлашган “Роғиб Пошшо” кутубхонасида 558 рақам остида сақланади. Бу нусханинг фақат биринчи жузи мавжуд.

**Етминчи нусха.** Суриядаги “ал-Асад” кутубхонасида “Ал-Кифоя фи шархи-л-ҳидоя” асарининг икки жилди яна бир нусхаси сақланади. Биринчи жузи 61953 рақам остида сақланса, иккинчи жузи 62134 рақам билан қайд этилган. Бу нусха насле хатида жуда чиройли қилиб таълиф этилган. Биринчи жуз 356 варак, яъни 712 саҳифадан иборат. Ҳар бир саҳифа 24 қаторни, ҳар бир қатор эса таҳминан 18 сўзни ўз ичига олади.

Асарнинг биринчи жилди китобнинг аввалидан, яъни таҳорат китобидан бошлаб, вақф китобининг тугагунича давом этган.

Нусханинг иккинчи жилди 222 варак, 444 саҳифадан иборат. Ҳар бир саҳифада 25 сатр мавжуд. Бу иккинчи жилдда ҳам биринчи жилдга ҳамоҳанг равишида, ҳар бир қатор тахминан 18 та сўздан ташкил топган.

Асарнинг иккинчи жилди “савдо” китобидан бошланиб китоб охиригача, яъни хунаса китоби билан ниҳояланган.

Бу нусханинг кўчирувчиси номаълум.

**Саккизинчи нусха.** “Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя” асариниг яна бир нусхаси Туркиядаги “Валиюддин Афанди” кутубхонасида 1311 ракам остида қайд қилинган. Бу нусханинг фақат бир мужалладигина мавжуд. Хат турига келинадиган бўлса, форсий хат турларининг энг чиройлиларидан бири настаълик хат турида битилган. Нусха 378 саҳифадан иборат. Бир саҳифада 23 қатор жойлашган, сўзлар сони тахминан 17 тадан иборат. Асар таҳорат китобидан бошланиб вақф китобининг тугагунича давом этган.

“Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя” асари бугунги кунгача уч бор бор нашр этилга. Улар:

Биринчиси, хижрий 1247 мелодий 1832 йили Калкуттада “ал-Хидоя маъа шарҳи-л-Кифоя” номи остида тошбосма қилиб катта-катта тўрт жилди ҳолатда нашр этилган. Бу нусхани Мавлавий Абдулмажид роҳимаҳуллоҳ тўғрилаб чиққани таъкидланган.

Иккинчиси, хижрий 1319 мелодий 1901 йилда Мисрдаги “Маймания” матбаасида нашр этилган. Бу нашр “Хидоя” асарига шарҳ китоблар саналган Ибн Ҳумомнинг “Фатҳу-л-қадир” ва Бобартийнинг “ал-Иноя” асарлари билан бирга қўшиб тўққиз жилдан иборат шаклда босилган. Нашрга тайёрловчи Мухаммад Зухрий ал-Ғимровий роҳматуллоҳи алайх.

Учинчиси, энг охирги нашр хижрий 1441 мелодий 2019 йилда Ливаннинг Байрут шаҳрида жойлашган “Дору-л-кутуби-л-илмия” матбаасида саккиз жилди қилиб нашр этилган.

Мазкур нашр Мухаммад Аҳмад Ҳаққоний томонидан иккита қўлёзма нусхалардан: яъни Суриядаги “ал-Асад” кутубхонасида сақланадиган икки мужалладли “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя” асарининг нусхаси ва Туркиядаги “Файзуллоҳ Афанди” кутубхонасида сақланадиган икки жузли нусхаларни бир-бирига солишириб таҳқиқ қилинган, матнлари тўғриланган, зарур жойларга таълиқлар чиқарилган ва шундан сўнгри нашр этилган.

Мазкур нашрнинг биринчи жилди 590 саҳифадан иборат бўлиб, китобнинг аввалида таҳқиқ қилувчининг муқаддимаси келтирилган. Унда Бурҳониддин Марғинонийнинг “Хидоя” асари ҳанафий фикҳида ёзилган энг сара асарлардан экани, шу боис Марғинонийдан кейин яшаб ижод қилган уламолар уни шарҳлашга кўп этибор қаратгани,

ана ўша шарҳларнинг ичида Жалолиддин Хоразмийнинг қаламига мансуб “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асари ўзига хослиги ва малол бериб юборадиган даражада чўзиб юболирмагани ёки аксинча, маъноларни тушунишда қийинчилик туғдирадиагн даражада кисқартиб юбормгани билан “Ҳидоя”га ёзилган бошқа шарҳлардан ажралиб туришини таъкидланган[10].

Шундан сўнг биринчи жузнинг бешинчи сахифасида, имом Марғинонийнинг ҳаёти ва ижодига қисқача тўхталиб ўтилган. Кейин олтинчи сахифадан бошлаб Жалолиддинн Хоразмийнинг ҳаёти ҳақида ҳам қисқа, лекин жуда керакли маълумотларни бериб ўтилган. Ана ундан кейин бу нашрда қилинган ишлар айтиб ўтилган. Ва муқаддима охирида бу нашрга асос қилиб олинган икки қўлёзма нусхалардан наъмуналар бериб ўтилган.

Мазкур нашрнинг биринчи жузи таҳорат ва намоз китобларини ўз ичига олган. Иккинчи жуз закот китобидан бошланиб никоҳ китоби билан якунланади, яъни бу жуз тўрт китобни: закот, рўза, ҳаж ва никоҳ китобларини ўз ичига олади. Учинчи жуз разоъат (эмизиш) китобидан бошланиб, талоқ, кул озод қилиш ва қасамлар китобларини ўз ичида қамраган ва китоб ҳажми 552 сахифани ташкил этади. Тўртинчи жуз ҳадлар китобидан бошланади ва ўғирлик, сияр, лақит (ташландиқ бола), луқата (топиб олинган нарса), қочиб кетган кул, йўқолган одам, ширкат, вақф ва савдо китобларини ўз ичига олган. Бироқ савдо китоби охирига етмасдан хиёри айб билан тугалланган. Бу жилд 549 сахифадан ташкил топган. Бешинчи жуз савдо китобининг “Фосид савдо” бўлимидан бошланган ва етти китобни ўзида қамраган. Улар: савдо китобининг қолган қисми, сарф (пул-айрибошлиш), кафолат, ҳавола, қозининг одблари, гувоҳлик ва ваколат китобларидан ташкил топган. Олтинчи жуз “даъво” китобидан бошланади. Бу жузда даъво, иқрор, сулҳ, музораба, вадиъя, орият, ҳиба, ижара, мукотаб ва валийлик китобларини ўз ичига қамраган. Еттинчи жуз икроҳ китобидан бошланиб, сойд (ов) китобида тугайди. Бу жузда икроҳ, ҳажр (тасарруфдан тўсилиш), маъзун, ғасб, шуфъа, қисмат, музораа, мусоқот, забоих (сўйиндилар), узҳия (курбонлик), кароҳият, ихяул мавот (қўруқ ерларни ўзлаштириш), ашриба, сойд (ов) китоблари бор. Саккизинчи жуз раҳн (гаров) китобидан бошланади, ундан сўнг жиноятлар, диялар (хун), оқилалар, васиятлар ва хунаса китоби билан якунланади.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Жалолиддин Хоразмийнинг “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асари имом Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарини тушунишда бирламчи манбалардан саналгани боис, Ислом уламолари тарафидан мазкур асардан нусха кўчириш ва уни ислом оламининг турли чеккаларига тарқалганини кузатиш мумкин. Айниқса, Усмонли турклар салтанатида ҳанафий мазҳаби амалда бўлгани учун ҳам, фикҳ илми айни

ҳанафий мазҳабида ўрганилган. Бу эса ўз-ўзидан ҳанафий мазҳабида ёзилган асарларнинг нусхаларини кўчириш ва кейинчалик уларни қайта-қайта нашр этишни талаб этган. Бу гапимизга юқорида санаб ўтилган нусхаларнинг аксари Туркия кутубхоналарида саклангани ҳам исбот бўла олади.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Mukhamedov, N., & Turambetov, N. (2023). HUMANISTIC IDEAS: KINDNESS, GENEROSITY, AND TOLERANCE IN THE WORK OF MAVERANNHAR SCIENTISTS. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD), 8(12), 322-325.
2. Жалолиддин Хоразмий. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя. – Т.: ЎзРФАШИ Асосий фонди. – Кўлёзма. - № 5246.
3. Бу Жалолиддин Хоразмийнинг “Хидоя” асарини шарҳлашдаги услуби бўлиб, Марғинонийнинг асаридан изоҳлаш лозим бўлган жойларни Ҷоғ [қовлухуу] (унинг сўзи) деб, сўнгра уни шарҳлашга ўтади.
4. Жалолиддин Хоразмий. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя. – Т.: ЎзРФАШИ Асосий фонди. – Кўлёзма. - № 5246. – Б. 3.
5. Жалолиддин Хоразмий. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя. – Т.: ЎзРФАШИ Асосий фонди. – Кўлёзма. - № 9408.
6. Жалолиддин Хоразмий. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя. – Т.: ЎзРФАШИ Асосий фонди. – Кўлёзма. - № 9408.
7. Жалолиддин Хоразмий. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя. – Туркия. Истанбул: Файзуллоҳ Афанди кутубхонаси. – Кўлёзма. – № 874-875.
8. Жалолиддин Хоразмий. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя. – Туркия. Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. – Кўлёзма. – № 550.
9. Жалолиддин Хоразмий. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя. – Туркия. Истанбул: Отиф Афанди кутубхонаси. – Кўлёзма. – № 550..
10. Муҳаммад Аҳмад Ҳаққоний. “Ал-Кифоя фи шарҳи-л-кифоя”. – Байрут: Дору-л-кутби-л-илмия, 2019. – Б. 4.